



ТИАМЕ



Óbuda  
University



IAMO  
Leibniz Institute of Agricultural Development  
in Transition Economies

## ПРЕСС РЕЛИЗ

### ГЕОИНФОРМАТИКА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО АНЪАНАВИЙ GI 2021 КОНФЕРЕНЦИЯСИ

"Геоахборот тизим ва технологиялари орқали барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш"

Онлайн/жойда, 27-29 январь, 2021 йил

#### GI Конференцияси

Ушбу анжуманнинг асосий вазифалари ижтимоий-экологик тизимлар бўйича фаолият юритаётган олимларни тармоқлараро геофазофий докторантура ва илмий тадқиқотларига йўналтириш, шунингдек, Геоинформатика соҳасида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи ва докторантларнинг халқаро миқёсдаги жамиятларга жалб этилишини кенгайтириш, ОТМ ва ИТМларнинг халқаролашувини кучайтиришдан иборат.

#### GI 2021

2020 йилда GI конференцияси "Геоахборот тизим ва технологиялари орқали барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш" мавзусига қаратилган. Географик ахборот фани назарий асос сифатида, Геоинформатика методология сифатида ва ГАТ дастурий технологиялар сифатида ахборотни турли манбалар орқали жойлаштириш учун кучли воситалардир. Бу бизнинг муҳит ва табиий ресурсларимиз, иқтисодийтимиз ва охирикват жамиятимизни муваффақиятли бошқариш учун зарур бўлган нарсалар.

Тақриздан ўтган ва конференцияга қабул қилинган энг яхши илмий мақолалар Скопус халқаро библиографик ва абстракт маълумотлар базасига киритиладиган журналда чоп этилди (<https://www.e3s-conferences.org/>).

#### GI 2021 Конференциясининг асосий мавзулари

Конференциянинг асосий мавзулари:

- минтақавий барқарор ривожланишда ГАТ;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини бошқаришда ГАТ;
- қишлоқ хўжалигида ГАТ;
- геодезик жараёнларда геоинформатика;
- кадастр ва ер тузиш соҳасидаги янги тенденциялар ва технологиялар;
- геоинформатика соҳасида касбий ва масофавий таълим;
- қишлоқ ва сув хўжалигини механизациялаш ва автоматлаштиришда ГАТ.

#### Иштирокчилар

**Иштирокчилар:** Эрасмус+ DSinGIS лойиҳаси ҳамкорлари (ходимлар ва талабалар),

ГАТга оид мутахассисликлар бўйича бакалавр, магистр ва докторантлар, ГАТ билан боғлиқ корхона ва ташкилотлар.

### Сессияни очилишида иштирок этувчи маърузачилар

**Ўктам Пардаевич УМУРЗАКОВ**, ТИҚХММИ ректори, Ўзбекистон  
**Ахмадбек Таджиевич ЮСУПОВ**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси  
**Шавкат Рахимович ХАМРАЕВ**, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири  
**Жамшид Абдухакимович ХОДЖАЕВ**, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири  
**Иброхим Юлчиевич АБДУРАХМОНОВ**, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири  
**Узоқбой Шойимкулович БЕГИМҚУЛОВ**, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари  
**Франкоис БЕГЕОТ**, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари  
**Питер САНТО**, Венгрия давлатининг Ўзбекистондаги элчиси  
**Фазлиддин Каримович УМАРОВ**, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори  
**Азиза Каримовна АБДУРАХМАНОВА**, Миллий Эрасмус + Офиси координатори, Ўзбекистон  
**Лорант ФОЛДВАРЙ**, Эрасмус + DSinGIS лойиҳаси координатори, Обуда университети, Венгрия

### Асосий маърузачилар

**Жосеф ШТРОБЛ**, Залцбург университети, Австрия  
**Маркуш БЕЛА**, Обуда университети, Венгрия  
**Малгорзата Вероне ВОЖТАШЕК**, Обуда университети, Венгрия  
**Житка КУМҲАЛОВА**, Прага шаҳридаги Чехия ҳаёт фанлари университети, Чехия  
**Элдар КУРБАНОВ**, Волга давлат технология университети, Россия  
**Шухрат ШОКИРОВ**, Австралия Миллий университети, Австралия

### Ташкилотчилар

GI 2021 конференцияси Эрасмус+ DSinGIS лойиҳаси доирасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ва Обуда Университетининг (Венгрия) Алба Региа техника факултети билан биргаликда ташкил этилган.

### Алоқа

**Илхом Абдурахманов**, Конференция котиби ва Эрасмус+ DSinGIS лойиҳасининг миллий координатори

Э-почта: [ilhom.isakovich@gmail.com](mailto:ilhom.isakovich@gmail.com)

Тел: +998712371909, Факс: +99871-237-38-79

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ), Қори Ниёзий 39, Тошкент 100000, ЎЗБЕКИСТОН